



Ислом Нури

□□□□□□ □□ □□□□

Шайх Муҳаммад Ҳассон
Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтани вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан кўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).



Ислом Нури

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Азиз биродарлар, фозила опа-сингиллар, даврамизга хуш келибсиз, қадамларингизга ҳасанотлар бўлсин. Бизларни Ўзининг муборак уйида тоати устида жамлаган Аллоҳ таоло охиратда ҳам Ўзининг жаннатида даъватчилар саййиди бўлган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга жамласин.

Аллоҳ учун севган дўстларим! Бугунги суҳбатимиз номи «Даъват аҳлига инсоф билан ёндошайлик» деб аталади. Одатимизга кўра суҳбатимизни бир неча бўлимга бўлиб олиб борамиз.

1. Биринчи: Йўлнинг табиати.
2. Иккинчи: Даъватчилар икки турлидир.
3. Учинчи: Адолат ва инсоф билан ёндошиш.
4. Тўртинчи: Умидсиз бўлмангиз.. Тонг зулматлар бағрини ёриб чиқажак.

Диққат-эътибор билан қулоқ солишингизни умид қиламан. Аллоҳ таолодан бизларни сўзга қулоқ тутиб, унинг яхшисига эргашадиган кишилардан қилишини сўрайман. Зеро, ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир ва ўшалар ақл эгаларидир.



Ислом Нури

Биринчи: Йўлнинг табиати

Аллоҳ йўлидаги дўстларим!

Аллоҳга даъват қилиш йўли узоқ ва машаққатли йўлдир... У тўсиқлар, тиканлар ва балолар билан ўралган йўлдир.. У қонлар билан алвон рангга кирган йўлдир.. У озорлар, меҳнат-машаққатлар, синов ва имтиҳонлар билан тўла йўлдир.. Унинг икки четида энг янги турдаги тарғибот-ташвиқот карнайлари билан қуролланган мунофиқ кимсалар ўз шовқин-суронлари билан даъват соҳибларининг овозларини босиб кетишга жон-жаҳдлари билан уринишади..

Агар бу йўл енгил, осон ва қулай, гуллар ва райҳонлар тўшалган йўл бўлганида, ҳар қандай одам даъват соҳибига айланиши осон бўлар ва у ҳолда ҳақиқий даъватчилар билан сохта даъвогарлар аралашиб, кимнинг кимлиги билинмай, ҳақ даъват билан сохта даъволар ажралмай қоларди.

Даъват йўли пайғамбарлар йўлидир.. У Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо, Муҳаммад саловотуллоҳи алайҳим ажмаъийн йўллари дир, улардан бошқа пайғамбарлар ва набийлар йўллари дир.

Даъват йўлидаги бу меҳнат ва машаққатлар, бало ва имтиҳонлар бежиз эмас... Улар ҳақиқат аҳли бўлмиш пайғамбарлар, набийлар, раббоний уламолар ва содиқ даъватчилар учун Аллоҳнинг азоби ҳам эмас. Йўқ, йўқ, ундай эмас.. Аксинча, бу машаққат ва имтиҳонлар ҳаққа даъват қилувчи ҳақиқий даъватчилар билан ботилга чақирувчи сохта даъвогарлар орасини ажратиб берувчи бир мезондир... Ушбу меҳнат-машаққат ва бало-ю имтиҳонлар оламлар Парвардигорига даъват қилиш йўлида юрувчиларни ғалвирдан ўтказувчи, сохтакор ва



Ислом Нури

даъватни тирикчилик манбаига айлантириб олган даъвогарларни аниқлаб берувчи, даъватчиларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка айириб берувчи бир ғалвир ва элакдир... Токи, Аллоҳга даъват қилиш йўлида қалбларини ёлғиз Парвардигор азза ва жаллага холис қилган ихлосли зотлар ва даъват дарахтини ўзининг қони, жони, тери билан суғорувчи, йўл ҳар қанча узоқ ва машаққатли бўлмасин, фитналар ва имтиҳонлар нақадар қаттиқ бўлмасин, бутун вужудларини шу йўлга бахш этувчи кишиларгина собитқадамлик билан давом этсинлар. **«Бу Ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники»** эканини яхши билган зотларгина бу йўлда давом этсинлар.

Мусулмон биродарлар! Тарихга боқинг, балоларга дучор бўлмаган, озорланмаган, қавми тарафидан азоб ва қувғинларга йўлиқмаган биронта бўлса ҳам пайғамбар ё набий бўлганми ўзи?!!

«Саҳиҳайн»да келган, шафоат ҳақидаги узун ҳадис далолатига кўра, Аллоҳнинг ердаги биринчи пайғамбари Нух алайҳиссалом бўлиб, у киши қавмига пайғамбар қилиб юборилгач, **«У улар орасида эллик йили кам минг йил турди»** (Анкабут: 14). Тасаввур қилинг, қанча узоқ муддат!! Бироқ, шунча вақт ичида Нух пайғамбар Аллоҳга даъват қилишни бир зум бўлсин, ташламади: **«(Нухнинг бу даъватлари уларга кор қилмагач), у деди: «Парвардигорим, албатта мен қавмимни кечаю кундуз (иймон-эътиқодга) даъват этдим. (Аmmo) менинг даъватим уларга фақат (иймондан) қочишни зиёда қилди, холос. Дарвоқе, ҳар қачон мен уларни Сенинг мағфиратингга (сабаб бўладиган дин йўлига) даъват қилсам улар (менинг сўзларимни эшитмаслик учун) бармоқларини кулоқларига тикиб, (мени кўрмаслик учун юзу кўзларига) кийимларини ўрашиб, оёқ тираб**



Ислом Нури

турдилар ҳамда (менга итоат этишдан бош тортиб) кибр-ҳаво қилдилар. Сўнгра, мен уларни ошкора (яъни, одамлар тўпланган жойларда баланд овозда) даъват этдим. Сўнгра мен уларга (ўз даъватимни) очик эълон ҳам қилдим, пинҳона сир қилиб ҳам айтдим. Мен дедимки: «Парвардигорингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир. (Шунда) У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Сизларга молдунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар (ато) қилур ва сизларга оқар дарёлар (ато) қилур. Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни (яъни Унга ибодат қилишни) ўйламайсизлар?!» (Нух: 5-13).

Нега сизлар Аллоҳнинг ҳақиқий тавҳидин рўёбга чиқармайсизлар?! Унга ҳақиқий кўринишда ибодат қилмайсизлар?! Уни тўғри танимайсизлар ва қадрламайсизлар?!.

Аллоҳ таоло улар ҳақида айтади: **«Улардан (Макка кофирларидан) илгари Нухнинг қавми ҳам (уни) ёлғончи қилган эди. Улар Бизнинг бандамиз (Нух)ни ёлғончи қилишиб: «(У) бир мажнун», дедилар ва у (ўз пайғамбарлик вазифасини адо этишдан) тўсиб қўйилди» (Қамар: 9).**

Вожаб, Нух пайғамбар мажнун бўлса-я?!.

Оламлар Парвардигорининг халили (яқин дўсти) бўлган Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмини етук ҳикмат ва мулойимлик билан, яхши гапириб даъват қилди. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), уларга Иброҳим хабарини тиловат қилинг! Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага



Ислом Нури

ибодат қилмоқдасизлар?» — деганида, улар: «Бут-санамларга ибодат қилмоқдамиз. Уларга содиқлигимизча қолурмиз», дедилар. (Иброҳим) айтди: «Илтижо қилган пайтларингизда (бутларингиз) сизларни(нг илтижоларингизни) эшитадиларми ёки сизларга фойда ё зиён етказа оладиларми?!» (Шуъаро: 69-73).

«Эсланг, у отасига: «Эй ота, нега сиз эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сизга бирон фойда етказа олмайдиган бутга ибодат қиласиз? Эй ота, дарҳақиқат сизга келмаган илм-маърифат менга келди. Сиз менга эргашинг, сизни ҳақ йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота, сиз шайтонга ибодат-қуллик қилманг. Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингиздан кўрқаман», деди» (Марям: 42-45).

Қаранг, қандай ажойиб сўзлар, нақадар меҳрибонлик намунаси!! Отасини ва қавмини ягона ва шериксиз Аллоҳнинг ибодатига чорлади, уларга етук ва узил-кесил далиллар барпо қилди. Бироқ, одамлар ичида унга энг яқин киши бўлган ўз отаси унга нима деганига қулоқ солинг: **«(Отаси) айтди: «Сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен (менинг худоларимни сўкишдан) тўхтамасанг, албатта, сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бутунлай тарк эт!» (Марям: 46).**

Қавмининг гапини эшитинг: **«Улар (бир-бирларига) дедилар: Иброҳим учун (олов ёқиладиган) бино қуриб уни ўша оловга ташланглар» (Вас-соффат: 97).**

«(Иброҳимнинг ҳақ таъна ва дашномларига бирон жавоб топа олмай



Ислom Нури

қолган Намруд бошчилигидаги мушриклар:) **«Уни ёқиб юборинглар! Агар уддалай олсанглар (мана шу иш билан) ўз худоларингизга ёрдам қилинглар», дедилар»** (Анбиё: 68).

Халилуллоҳ – Аллоҳнинг яқин дўсти бўлган Иброҳим алайҳиссаломнинг жазоси ана шундай – ловуллаб ёниб турган оловга ташланиш бўлди.

Аллоҳнинг пайғамбари Мусо алайҳиссаломни эсга олинг. У оламлар Парвардигори билан бевосита сўзлашган, Аллоҳ таоло пайғамбарликка танлаган зот эди: **«Ва Мен сени Ўзимга (пайғамбарлик учун) танладим»** (Тоҳа: 41).

«Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонимдан бир муҳаббат ташладим» (Тоҳа: 39).

Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан Фиръавн ва унинг қавми ҳузурига борди, уларни етук ҳикмат ва юмшоқ сўзлар билан даъват қилди. Чунки, Аллоҳ таоло уни ва Ҳорунни ана шундай қилишга буюрганди: **«Сизлар Фиръавннинг олдига боринглар, чунки («Мен худоман», деб у) ҳаддидан ошди. Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панд-насиҳат олса ёки (Менинг қаҳримдан) кўркса»** (Тоҳа: 43, 44).

Улар Фиръавн ҳузурига бориб, унга юқорида айтилганидек, мулойим сўзлар билан ҳужжат барпо этдилар. Бироқ, Фиръавн нима деб жавоб берди?!

«Фиръавн деди: Мени кўйинглар, Мусони ўлдирай. (Қани) у Парвардигорига дуо-илтижо қилсин-чи, унга нажот



Ислom Нури

берармикан. Дарҳақиқат мен (Мусo) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки Ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман» (Ғофир: 26). Мантиқни қаранг, Мусo бузғунчи, Фиръавн эса ислоҳ қилувчи экан?!!

Аллоҳнинг пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни олинг. Аллоҳ таоло уни очик-равшан ҳужжатлар ва рад этиб бўлмас далиллар билан Бану Исроилга юборганди. У уларни еру осмонлар Парвардигорига даъват қилганида улар уни сеҳргарлик билан айбладилар, айримлар эса ҳатто валади зино деб деб тухматладилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Эсланг, Ийсо ибн Марям: «Эй Бани Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар берувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди. Бас қачонки (Ийсо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: «Бу очик сеҳр», дедилар»** (Саф: 6).

Аллоҳнинг яна бир улуғ пайғамбари Юсуф алайҳиссалом аввал қудуққа, кейинроқ зиндон қоронғулигига ташланди. Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнгра, уларга (яъни Миср ҳокими ва унинг одамларига Юсуф пок эканлиги ҳақидаги) оят-аломатларни кўрганларидан кейин, уни бир вақтгача (яъни гап-сўзлар тингунча) зиндонбанд қилиб туриш маъқул кўринди. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди»** (Юсуф: 35, 36).

Аллоҳнинг яна бир пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига пайғамбар қилиб юборилганди. У уларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва Унга ширк келтирмасликка чақирди. **«Самуд (қабиласи ҳам Солиҳ пайғамбар келтирган) огоҳлантиришларни ёлғон деди.**



Ислом Нури

Бас, улар айтдилар: «Бизлар ўзимизнинг орамиздаги бир одамга (пайғамбар деб) эргашурмизми?! У ҳолда бизлар ҳақиқатан ҳам гумроҳлик ва ахлоқлик-нодонликда бўлурмиз-ку! Бизларнинг орамиздан ана ўшанга эслатма-вахий ташланибдими?! Йўқ, у ҳаддан ошган ёлғончидир» (Қамар: 23, 25).

Аллоҳнинг пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом ҳаддан ошган, ёлғончи бўлсалар?!!

Аллоҳ таоло яна бир пайғамбари Ҳуд алайҳиссаломни Од қавмига пайғамбар қилиб юборди. У уларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва Унга ширк келтирмасликка чақирди. Улар эса:

«(Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган одамлар: Биз сенинг нодон эканингни кўриб турибмиз ва албатта биз сени ёлғончилардан, деб гумон қилмоқдамиз, дейишди» (Аъроф: 66).

Аллоҳнинг пайғамбари Ҳуд алайҳиссалом нодон эмишлар!!

Аллоҳ яна бир пайғамбари Шуъайб алайҳиссаломни Мадян аҳлига пайғамбар қилиб юборди. У уларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва Унга ширк келтирмасликка чақирди. Улар эса нима деб жавоб қайтаришди?!!

«(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар: «Эй Шуъайб, ё сени ва сен билан бирга иймон келтирган кишиларни шаҳримиздан ҳайдаб чиқарамиз, ёки сизлар бизнинг динимизга қайтасизлар», дейишди» (Аъроф: 88).

Аллоҳнинг пайғамбари Лут алайҳиссалом қавмини ягона Аллоҳга



Ислom Нури

ибодат қилишга, фазилат, поклик ва тозалика чақирди. Бироқ, улар нима деб жавоб беришди?! Аллоҳ таоло айтади: **«(Лут) қавмининг жавоби эса фақат «Лутнинг аҳли-тобеъларини қишлоғингиздан (қувиб) чиқарингиз! Дарҳақиқат улар жуда «покиза» кишилардир», дейишлари бўлди»** (Намл: 56).

Хўш, Лут алайҳиссалом ва у кишига эргашганлар нима айблари туфайли қувиб чиқарилишга маҳкум бўлишди?! Айблари - **«Улар жуда «покиза» кишилардир!!»**.

Ҳа, айблари шу эди, улар покиза инсонлар эди, иффат аҳли эди!! Кимлар учундир поклик ва иффат то қиёмат жиноят бўлиб қолаверади!!

То қиёмат ер юзининг энг улуғ кишиси, энг олий ва энг покиза пайғамбар бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарлар имоми, элчилар саййиди, оламлар Парвардигорининг ҳабиби эдилар. Ана шундай зотни қавмлари ёлғончилик, сеҳргарлик, шоирлик, фолбинлик, мажнунлик билан тухматладилар:

«Улар (яъни, Макка кофирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни масхара қилишиб): **«Эй** (ўзига) **эслатма — Қуръон нозил қилинган** (деб даъво қилаётган) **киши, дарҳақиқат, сен, мажнунсан...»**, дедилар» (Ҳижр: 6).

«(Макка мушриклари) уларга ўзларидан (яъни башар авлодидан) **бўлган бир огоҳлантирувчи - пайғамбар келганидан ажабландилар ва у кофирлар дедилар: «Бу бир ёлғончи сеҳргардир»»** (Сод: 4).



Ислом Нури

Муҳаммад Мустафо сеҳргар ва ёлғончи бўлсалар?! Шундай улуғ зот мажнун бўлсалар?!!

У зотнинг муборак ва покиза бошларига тупроқ сепдилар, Аллоҳга сажда қилиб турганларида пок елкаларига нажосат тўқдилар, Уқба ибн Аби Муъийт отлиқ бир нопок ва тубан кимса келиб, у зотнинг бўйинларини кийими билан қаттиқ бўғди, шунда Абу Бакр розияллоҳу анху келиб, унинг елкасидан ушлаб тортиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ажратиб олдилар ва: **«Бир кишини, «Менинг Парвардигорим Аллоҳдир», дегани учун ўлдирасизларми?!»** дедилар. (Бухорий (№3856) ривояти).

«Саҳиҳайн»да Абу Хурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, малъун Абу Жаҳл қавмига: «Муҳаммад сизларнинг орангизда туриб, юзини тупроққа белаяптими?! (яъни, сажда қилаяптими?)», деди. «Ҳа», деб жавоб беришгач, «Лот ва Уззога қасамки, агар унинг шундай қилаётганини кўрсам, албатта бўйинини оёғим билан эзаман ё юзини тупроққа булайман...», деди (Бухорий (№4958), Муслим (№2797) ривоятлари).

Покликлари бутун оламга тўлиб тошувчи ва етиб ошувчи зот бўлмиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам обрў-номусларида ва покликларида туҳматга тутилдилар. Уммат ичида ҳурматларни сақлашни назорат қилувчи зот ҳурматларини сақламасликда туҳматга тутилдилар.. Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам покиза жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳо хусусида туҳматга тутилдилар. У зотнинг покиза жуфтлари зино билан туҳматланди!!

Бу юракларни қинидан чиқариб юборадиган оғир имтиҳон эди!! Тасаввур қилинг, Аллоҳнинг элчиси аёллари хусусида туҳматга



Ислом Нури

тутилсалар!! Яна ким денг?!! Қалбларига энг яқин ва энг суюкли аёллари Оиша розияллоҳу анҳо хусусида!!

Шу қадар қабих жиноят бўладими?!! Шу қадар оғир туҳмат бўладими?!!

Бир ой тўла муддат ўтиб кетдики, Оиша ҳақларида оят нозил бўлмади! Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юраклари бетоқат бўлиб, инсонлик туйғулари ғолиб келиб, асҳоблари олдига Оиша розияллоҳу анҳонинг ахлоқлари ҳақида сўраш учун чиқдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Воқеадан хабар топгач, кун бўйи йиғидан ўзимни тўхтатолмадим, кейин туни билан ҳам йиғлаб чиқдим, ҳатто йиғи жигаримни парчалаб ташласа керак, деб гумон қилдим».

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввал ташаҳҳуд калимасини айтгач, кейин Оишага қараб: «Аммо баъд, эй Оиша, сен ҳақингда шундай-шундай гаплар менга етди. Агар пок бўлсанг, Аллоҳ тез орада сенинг поклигингни эълон қилар, аммо агар гуноҳга қўл урган бўлсанг, Аллоҳга истиғфор айт ва тавба қил...», дедилар.

Ушбу сўлар бағрига жойланган алам-оғриқнинг ҳажмини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дилларини эзиб ётган зил-замбил юкнинг залворини ўзингиз тасаввур қилаверинг!! Оиша розияллоҳу анҳо нима деб жавоб беришни билмай, жовдираб, бир Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга, бир ота-онасига қарадилар. Улардан садо чиқмагач, дард-алам билан: «Аллоҳга қасамки, сизлар билан менинг ҳолатимга Юсуфнинг отасининг: **«Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса устида мадад сўраладиган зот ёлғиз Аллоҳдир»** (Юсуф: 18) деган



Ислом Нури

пайтдаги ҳолатидан ўхшашроқ мисол топа олмайман», дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ унинг поклигини эълон қилувчи оятларни нозил қилди (Бухорий №2661), Муслим (№2770) ривоятлари).

Шарафда Пайғамбар хонадонидан кейин иккинчи ўринда турувчи хонадонда ўсиб-улғайган, кейин ер юзининг энг шарафли хонадони бўлмиш Пайғамбар хонадонларига кўчиб ўтган, Қуръонни янги нозил бўлиш пайтида шахсан Пайғамбарнинг ўзларидан эшитадиган зот – нубувват хонадонининг покиза гули бўлмиш Оиша розияллоҳу анҳо ана шундай тухматга учрадилар!!

Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам тухматга учрадилар!!

Умматнинг энг покиза хонадони бўлмиш Пайғамбар хонадони тухматга учради!!

Умматнинг Сиддиқи хонадони бўлмиш Абу Бакр розияллоҳу анҳу хонадони тухматга учради!!

Бу йўлнинг табиати шундай.. У узоқ ва машаққатли йўлдир.. Тўсиқлар, ғовлар ва тиканлар оралаб юриладиган, қонлар билан алвон рангга кирган, озору балолар билан ўралгандир бу йўл.. Унинг икки четида, ҳар бир қарич ерда энг янги турдаги тарғибот-ташвиқот карнайлари билан қуролланган мунофиқ ва мужримлар покиза суратларни булғаш ва улуғ шахсларнинг обрўларига чанг солиш мақсадида шовқин-сурон кўтариб ўтирадилар.. Ана шундай йўлдир бу йўл..

Мусулмон биродарлар! Бу йўлнинг табиати шундайдир. Аллоҳ таоло буни ўзгармас қонуният қилиб қўйгандир. Аллоҳ таоло айтади:
«Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон



Ислом Нури

**қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?!
Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча)
кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон
воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган
кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур» (Анкабут:
2, 3).**

Сохтакор ва алдоқчилар, даъватни тижоратга айлантириб олганлар ҳақиқий даъватчилар сафидан тўкилиб қолиши учун ана шундай тозаловлар, синов ва имтиҳонлар зарурдир. Токи сафда фақат дили соф, нияти тоза, Аллоҳнинг дини ғамини кўтаришга сидқидилдан интилган покиза зотларгина қолсин. Зеро, бу юмуш ғоят шарафли юмушдир, унга фақат ихлосли кишилар муносиб, фақат тоза қалб ва соф ниятда пайғамбарлар йўлида юришни истаганлар лойиқдир. Даъватчилар икки турли бўлади.

Иккинчи: Даъватчилар икки турлидир

«Саҳиҳайн»да Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшиликлар ҳақида сўрашар, мен эса ўзимга ёмонликлар етишидан қўрққанимдан ёмонликлар ҳақида сўрардим. «Ё Расулуллоҳ, биз жоҳилият ва ёмонлик ичида эдик, Аллоҳ бизга бу яхшиликни (яъни, иймон ва исломни) берди. Энди шу яхшиликдан кейин бирон ёмонлик бўладими?», деб сўрадим. «Ҳа», дедилар. «У ёмонликдан кейин яна яхшилик бўладими?», дедим. «Ҳа, бироқ унда тутун (хиралик) бўлади», дедилар. Тутуни (хиралиги) нима?» дедим. Менинг йўлимдан бошқасига йўллайдиган қавм (бўлади), уларнинг яхши ишларини ҳам, ёмон ишларини ҳам кўрасиз», дедилар. «Бу яхшиликдан кейин яна ёмонлик бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига



Ислом Нури

чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақирғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Уларнинг кўриниши бизникидек, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар...» (Муттафақун алайҳ, Бухорий (№3606), Муслим (№1847) ривоятлари).

Имом Муслим ривоятида: «Улар ичида кўринишлари инсон шаклида, қалблари шайтонларнинг қалби бўлган кишилар туради».

Ҳа, улар сўзамол, ғоят гапга уста кишилардир.. Жозибадор сўзлар сўзлашади.. Тиллари ширин, диллари хабис-нопок кимсалардир улар..

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) **одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон унга: «Аллоҳдан кўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!» (Бақара: 204-206).**

Аллоҳ таоло айтади: «**Қачон сиз уларга боқсангиз, уларнинг жисмлари (кўринишлари, кийган кийимлари) сизни ҳайратга солур, сўзлаганларида эса сўзларига (оҳангдор, фасоҳатли бўлгани учун берилиб) қулоқ солурсиз. (Лекин уларнинг диллари иймон ва яхшиликдан холи бўлгани учун) улар гўё (деворга) йўлаб қўйилган (чирик) ёғочларга ўхшайдилар» (Мунофиқун: 4).**

Улардан бирови телестудия сахнасидаги курсига ястаниб олиб,



Ислом Нури

айтмоқда: «Тасаввур қилинг, улар эркак-аёлларнинг аралашиб юришларини ҳаром қиладилар!! Шу қадар зулм, бунчалар оғир террор бўладими?! Улар ҳеч қандай шартларсиз ва чекловларсиз эркин аралашиб юришни ҳаром санайдилар!!».

Яна бири чиқиб олиб, шундай демоқда: «Тасаввур қилинг, улар эркаклар билан аёллар қўл бериб кўришишларини ҳаром санайдилар!! Ахир пок ният ҳақидаги гаплар қаерда қолди?! Пайғамбарнинг: «Амаллар фақат ниятларга кўрадир», деган сўзлари қаерда қолди?!».

Бошқа бирови айтмоқда: «Тасаввур қилинг, улар қизларнинг университетларда жинси шим кийиб юришларини ҳаром санайдилар!!».

Эртага яна бирови чиқиб: «Тасаввур қилинг, улар зинони ҳаром санайдилар!!» деб қолса ҳам ажаб эмас ҳали!

Аллоҳ айтди, Расул айтди десанг гар,

Устингдан кулишар, мазах қилишар.

Ёки айтсанг саҳобалар сўзларин,

Ёки босганларнинг улар изларин,

Аҳмад, Молик, Шофийй, Бу Ҳанифа,

Ёки айтсанг салафлардан калима,

Қулоқ солмай юз ўгириб кетишар,



Ислом Нури

Аллоҳ ҳаромларин ҳалол этишар.

Эй динини ерга урган миллатим,

Юракдаги оғир дардим-иллатим,

Пайғамбарим нафс-ҳавола ҳукм этмас,

Ундай қилиш тоғутларнинг иши, бас.

«Бу нимаси ҳой (мутаторриф) экстремистлар, сизлар бизга ҳамма нарсани ҳаром қилишни истайсизларми?!»..

«Инсон дегани шунчалар ҳам мутанаттиъ (яъни, инжиқ, майда-чуйда ва бефойда нарсаларни ковлаштириб юрувчи) бўладими?!»..

«Ахбор ал-явм» (Бугуннинг хабарлари) деб аталган расмий газетада улардан бирининг «Мутанаттиълар ҳалок бўлсин» (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ана шу лафзлар билан айтилган ҳадисларига ишора) деб номланган мақоласи чиқди. У мақоласида мени айблаб: Бу одам ҳамма учрашув ва суҳбатларида одамларга фақат дўзах ҳақида гапирди, дейди. Кейин айтадики, бир дўстининг айтишича, улар болаларига шайх Ҳассоннинг маърузаларини эшиттиришдан кўрқиб қолишган эмиш. Чунки, у фақат дўзахдан гапирар экан.. Шу гапларни айтганидан сўнг бу журналист Аллоҳга ёлвориб: «Эй Парвардигор! Ер юзида бундай кимсаларни қолдирмагин!», деб дуо қилади!!..

Айбим – одамларни дўзах билан кўрқитар эканман!! Субҳаналлоҳ!!
Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳнинг нопок даъватчилар ҳақида гапирган



Ислом Нури

қуйидаги сўзлари нақадар гўзал ва ажойиб сўзлар: «Бир қавм бўладики, оғизларида одамларни жаннатга чақириб ўтирадилар, амаллари билан эса дўзахга чақирадилар. Тиллари одамларга: «Келинглар биз томонга!» дегани ҳолда иш-амаллари: «Бизга қулоқ солманглар!», деб туради. Улар зоҳиран йўл кўрсатувчи, ҳақиқатда эса йўлтўсарлардир». Зоҳирлари ансорлар кўринишида, ботинлари эса мунофиқ ва фожирларга тортиб кетади!!.

Улар иймон аҳлининг кийимини кийиб олишган, диллари эса мараз ва куфр билан тўла! Улардан ҳар бирининг иккита юзи ва иккита тили бор! Бир юзи билан мўминларга қараса, иккинчи юзи билан ўзининг мужрим дўстларига боқади: **«Иймон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам иймон келтирдик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан ҳоли қолганда эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади. Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади. Улар ҳақ йўлнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмадилар»** (Бақара: 14-16).

Уларга ҳидоят – ҳақ йўл қаердан насиб бўлсин?! Ваҳоланки, улар диннинг асл-асосларига ва мустаҳкам рукнларига уруш эълон қилмоқдалар, очиқ-ойдин маънодаги ҳадисларга ва ҳатто оятларга қарши уруш эълон қилмоқдалар. Улар умматнинг мафкуравий йўлбошчилари бўлиб олганлар, уларга бармоқлар билан ишора қилинади, улар мутафаккирлар, улар зиёлилар, улар ахлоқ ва мафкура жабҳасининг раҳбарлари, улар газета-журналлар эгалари, радио ва телевидение уларнинг измида, истаган пайт, истаган мавзуда истаган гапларини гапира оладилар!!



Ислом Нури

Қизик, одамлар уларнинг сўзларини эшитишгани каби ўша «экстремист»ларнинг сўзларини ҳам эшитиши учун улар даъво қилаётган «экстремистлар»дан лоақал биргинасини улар қаторида ўша телемусохабада қатнашишга нима учун чақаришмади экан?! Нима учун одамлар ҳар бир кишининг сўзини ҳеч қандай чекловсиз ва қайдсиз ўзлари эшитиб, ўзлари хулоса чиқаришлари учун уларни ҳам одамларга тақдим этилмайди?! Имом Аҳмад: «Биз билан улар ўртасида жаноза кунлари бор» деганларидек, мен ҳам уларга: «Биз билан сизларнинг ўртамизда масжидларнинг саҳни бордир», деган бўлардим.

Биз одамларни ўша фозил даъватчиларга боришга мажбурламоқчи эмасмиз. Аллоҳ таолонинг ер юзида ўрнатган раббоний суннати-қонуниятни шуки, ҳақ аҳли бўлган бир тоифа то қиёмат мавжуд бўлиб қолаверади. Аллоҳга қасамки, биз ҳақиқий даъватчи деганда фақат норасмий бўлган даъватчи дўстларимизни кўзда тутмаяпмиз. Йўқ, асло ундай эмас. Мен Азҳар, Авқоф (диний идора), Ансорус-сунна ва бошқа кўплаб расмий ташкилотлар аъзолари ва шу билан бир қаторда норасмий бўлса-да, ер юзида ҳаққа мададкор бўлиш ва суннатга чорлаш истагида бўлган мўътабар ва муҳтарам даъват соҳибларининг барини назарда тутмоқдаман. Биз ҳақ даъватчилари орасини улар қаердан бўлмасинлар, мутахассисликлари қандай бўлмасин, ажратмаймиз. Аллоҳ таоло борлиқда бир раббоний қонуниятни ўрнатиб қўйган, яъни ҳаққа нусрат берувчилар ва суннатга чорловчилар сақланиб қолаверади, улар Аллоҳ таолонинг ҳужжатини ер юзида барпо қилишда давом этаверадилар. «Саҳиҳайн»да келган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Умматимдан бир тоифаси Аллоҳнинг амрини қоим қилишда давом этаверади, уларни ёрдамсиз қўйганлар ё уларга хилоф қилганлар уларга зарар етказа олмайди, ҳатто Аллоҳнинг амри (қиёмат ё ўлим)**



Ислом Нури

улар одамлар устида ғолиб бўлган ҳолларида келади», деганлар (Бухорий (№3641), Муслим (№1923) ривоятлари).

Ушбу тоифа аҳли то қиёматгача қолаверади, иккинчи турдаги даъватчилар бўлмиш ҳақ даъватчилари, холис тавҳидга чорловчилар, суннатга чақирувчилар, улуғ ахлоқларга даъват этувчилар, Исломга умумий ва батафсил суратда даъват қилувчилар ана шулардир. Улар умматнинг ҳур фикридир.. Улар умматнинг мунаввар онгидир.. Улар умматнинг уриб турган юрагидир.. Улар умматга пайғамбарининг йўлини ёритиб бериш учун куйиб-ёнувчи шамчиروқлардир.. Улар раббоний даъватчилардир, на миллатчиликка ва на ирқчиликка чақирувчи, на бирор гуруҳ ва фирқага даъват қилувчи, на бирон жамоатга ё бирон шайхнинг шахсига кўр-кўрона таассуб қилувчи даъват соҳибларидир улар.. Уларнинг жамоатлари мусулмонлар жамоатидир.. Уларнинг имоми ҳидоят имоми ва зулматларни ёритувчи нурли чироқ бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.. Уларнинг манҳажини умматнинг энг яхши зотлари бўлмиш салафлар тушунчасидаги Қуръон ва Суннатдир.. Улар ўтқир фаҳм ва чуқур онг билан Азиз ва Ёффорнинг даъвати учун ҳаракат қиладилар.. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига амал қиладилар: **«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»** (Юсуф: 108).

Улар улкан фитналар довули ичра даҳшатли тўлқинлар бағрида сузиб бораётган бу кеманинг қутқарувчи дарғаларидир.. Улар ақидани тузатишга, ибодатда ихлосли бўлишга, ахлоқни тозалаш ва ислоҳ қилишга чорловчилардир.. Улар ҳақиқатан бу умматнинг йўлбошчиларидир.. Улар анбиёларнинг ворисларидир.. Улар



Ислom Нури

уламолардир, содиқ даъватчилардир.. Бу тоифа то қиёмат сақланиб қолиши зарур. Шу боисдан ҳам уларга қарши бу қадар шафқатсизларча ва йиртқичларча ҳужумлар қилинмоқда, уларни усулийлар (фундаменталистлар), вусулийлар (ортда қолганлар), фузулийлар (чиқиндилар), қоқоқлар деб тухматламоқдалар, уларни умматнинг танг ва бахтсиз ҳолатга тушиши сабаби деб кўрмоқдалар ва .. ва.. ҳоказо оғизларига келган айблар билан айбламоқдалар.

Сизлардан Аллоҳ ҳаққи сўрайман, ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам тиббиёт оламида жарроҳлик амалиётлари ўтказилишини ҳаром қилганини ва эски услубда қон олдиришни вожиб деб фатво берганини эшитганмисиз?!!

Ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам лазер нурларидан фойдаланишни ҳаром санаганини ва қадимий услубда куйдириш воситасида даволаш вожиблиги ҳақида фатво берганини эшитганмисиз?!!

Ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам кўпқаватли, осмонўпар биноларда яшашни ҳаром санаганини ва саҳроларда чодир тикиб яшаш вожиб деб фатво берганини эшитганмисиз?!!

Ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам замонавий автоуловлар, тайёралар ва кемалар хизматидан фойдаланишни ҳаром санаганини ва туялар ва эшакларни ишлатиш вожиблиги ҳақида фатво берганини эшитганмисиз?!!

Ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам уммат душманларига қарши урушда бомбалар ва ракеталардан фойдаланишини ҳаром санаганини ва фақат қилич ва найзалар билан



Ислом Нури

жанг қилиш вожиб деб фатво берганини эшитганмисиз?!!

Ўша даъват соҳибларидан лоақал биргинасини бўлса ҳам замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишни ҳаром санаганини эшитганмисиз?!!

Бир оз инсоф қилайлик, азизлар!!

Анавилардан бирови содиқ даъватчилар ва уларнинг шогирдлари хусусида: «Янги чиққан соқоллиларнинг баъзи бир кўринишлари саҳобаларни эслатса, баъзи кўринишлари Қурайш мушрикларини эслатади», деб айтибди.

Бошқа бирови: «Янги чиққан соқоллилар шахсияти заиф кимсалар бўлиб, баҳс-мунозара қилолмайдилар, чунки билим-маърифатлари чекланган», деб айтибди.

Яна бирови: «Беш вақт намозни жамоатда ўқийдиган, кейин зино қилиб, масжид ҳаммомида ғусл қиладиган кимсалардан эҳтиёт бўлинглар!», дебди.

Бу нима, сўзлашувми ё оловга мой сепишми?!!

Биз мафкурачиларга, адибларга, умуман оқил кишиларга хитоб қиламизки, бу сўзлашувми ё оловга мой сепишми?!! Фикрлашув, одоб билан ёндошув ва мунозаранинг гўзал услубими ё ҳақоратлаш ва туҳмат қилишми?!!

Бирозгина инсоф билан ёндошайлик, шунда ҳақиқий экстремистлар кимлигини билиб оламиз.. Бирозгина адолат қилайлик, шунда мамлакат ва уммат манфаати учун ҳақиқий хизмат қиладиган кишилар



кимлиги ва аксинча, мамлакатни вайрон, умматни хароб қилишни истаётганлар кимлиги маълум бўлади.

Бирозгина инсоф билан ёндошайлик, буларни экстремистлар деб, уларни эса оқиллар ва аср кишилари деб аташ ўта адолатсиз мезон бўлур эди!!

Суҳбатимиз давоми шу мавзуда боради.